

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИНИНГ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ХУНАР  
ТАЪЛИМИ МАРКАЗИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МЕХНАТ ВА АҲОЛИНИ  
ИЖТИМОЙ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ВАЗИРЛИГИНИНГ  
ҚАРОРИ

**505** Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг  
ўқитувчилари учун намунавий йиллик иш режасини  
тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2015 йил  
23 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2715*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 30 июлдаги ПҚ–929-сон «Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 1 августдаги 165-сон қарори билан тасдиқланган Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тўғрисидаги низомга асосан Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг умумтаълим фанлари ўқитувчилари учун намунавий йиллик иш режаси 1-иловага;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг умумкасбий ва махсус фанлари ўқитувчилари учун намунавий йиллик иш режаси 2-иловага;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитувчиларининг асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт меъёрлари 3-иловага;

Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари ўқитувчиларининг намунавий шахсий йиллик иш режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўрта махсус, касб-хунар  
таълими маркази директори**

**У. САЛИМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 2 сентябрь,  
38/ҚҚ-сон

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири**

**А. АБДУҲАКИМОВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 2 сентябрь,  
35-Қ/Қ-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази,  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазирлигининг 2015 йил 2 сентябрда-  
ги 38/ҚҚ, 35-Қ/Қ-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаларининг  
умумтаълим фанлари ўқитувчилари учун  
намунавий йиллик  
ИШ РЕЖАСИ**

Т/р	Иш турлари	Ўқув йили давомидаги соатлар ҳажми	Изоҳ
<b>I. Ўқув ишлари — 1020 соат*</b>			
1.	Назарий, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини ўтказиш.	800 соат**	Ўқув режасига биноан 1 академик соатга 1 соат юклама ёзилади.
2.	Фанлар бўйича консултациялар ўтиш.	40 соат	Ўқув режасида белгиланган юкلامанинг 5% ҳажмида.
3.	Ўқувчиларнинг рейтинг назорати ишларини текшириш. Яқуний давлат аттестация комиссияси ишида иштирок этиш.	180 соат	
<b>II. Ўқув-методик, илмий ва илмий-методик ишлар — 320 соат*</b>			
4.	Назарий, амалий, лаборатория ва семинар машғулотларини ўтказишга тайёрланиш.	100 соат	Илгаридан мавжуд фанлар юкلامасининг 30% ёки янги юклатилган фан юкلامасининг 50% миқдориди.
5.	Очиқ ўқув машғулотларини ташкил этиш. Мавжуд жиҳозлар асосида ўқув дастурида белгиланган янги амалий машғулотлар ёки лаборатория ишларига услубий ишланмалар тайёрлаш. Ўқувчиларни фан олимпиадаси, касбий кўрик танловга тайёрлаш. Ўқувчиларни илмий конференцияларга тайёрлаш. Замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини таълим жараёнида қўллаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Дарслик ёзиш. Электрон дарсликлар тайёрлаш. Мультимедиа ишланмаларини тайёрлаш. Ўқув қўлланмалар тайёрлаш. Услубий қўлланмалар тайёрлаш. Маъруза матнлари тўпламини ишлаб чиқиш. Фан бўйича ўқув-услубий мажмуалар тайёрлаш. Фан, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётидан ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш. Рейтинг тизими учун янги назорат саволлари (амалий,	220 соат	

Т/р	Иш турлари	Ўқув йили давомидаги соатлар ҳажми	Изоҳ
	тест, оғзаки, ёзма ва ҳоказо) ишлаб чиқиш. Фанга ажратилган мустақил ишни қабул қилиш. Интерактив дарслар учун услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Таълим муассасаси педагогик кенгаши қарорига биноан илмий тадқиқот, тажриба-синов ишларини олиб бориш. Илмий мақола, маъруза, ҳисоботлар ёзиш, маълумотлар тайёрлаш. Докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш. Оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиш. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқиш. Семинар, тренинг ва конференциялар ўтказиш ва бошқалар***.		
<b>III. Ташкилий-методик ва ташкилий-педагогик ишлар — 100 соат*</b>			
6.	9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиш учун тўлиқ қамраб олиш, касбга йўналтиришда тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш. Ўзаро дарслар таҳлилини олиб бориш, ёзма расмийлаштириш ва кафедра ҳамда педагогик кенгашларда муҳокама қилиш. Таълим муассасасининг маслаҳат марказлари ишида иштирок этиш. Олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ишларида иштирок этиш. Таълим муассасасида жамоатчилик асосида юклатилган вазифаларни бажариш. Ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам бериш. Таълим муассасаси битирувчилари бандлигини таъминлашга қўмаклашиш. Касб-хунар коллежи битирувчилари, таълим муассасаси ва иш берувчилар ўртасида уч томонлама шартномаларни тузишга қўмаклашиш. Таълим муассасасининг ободонлаштириш ишларида иштирок этиш. Таълим муассасасининг педагогик кенгаш ва бошқа йигилишларида иштирок этиш. Таълим муассасасининг педагогик кенгаши муҳокамасига қўйиш учун масала ва материаллар тайёрлаш. Таълим муассасасида навбатчилик қилиш. Таълим муассасаси педагогик кенгаши котиби ишини олиб бориш, турли комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳларда иштирок этиш. Таълим муассасасида ташкил этилган фан, спорт ва касб тўғрақларини олиб бориш ва бошқалар***.	100 соат	
<b>IV. Маънавий-маърифий ишлар — 100 соат*</b>			
7.	Давомати ва ўзлаштириши паст ўқувчилар билан ишлаш. Спорт, маданий-маърифий тадбирлар, кўрик танловлар ўтказиш. «Баркамол авлод» спорт ўйинларига тайёргарлик кўриш. Дарсдан ташқари вақтда ўқувчилар билан маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш (гуруҳ раҳбарлигидан ташқари). Жамоатчилик асосида ташкил этиладиган барча маънавий-маърифий соҳадаги ишларга қўмаклашиш ва бошқалар***.	100 соат	

Изоҳ: \* Шахсий йиллик иш режаларини ишлаб чиқишда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси раҳбарияти йиллик иш режасидаги умумий соатлардан чиқмаган ҳолда бўлимлар учун ажратилган соатлар ҳажмини мазкур нормативларга нисбатан 30 фоизгача камайтириши ёки кўпайтириши мумкин.

\*\* Бир ставка дарс соати ҳажми 800 академик соат ҳисобланади.

\*\*\* Кўзда тутилмаган бошқа ишлар қўшимча асосланган ҳолда иш режасига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази,  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазирлигининг 2015 йил 2 сентябрда-  
ги 38/ҚҚ, 35-Қ/Қ-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаларининг  
умумкасбий ва махсус фанлари ўқитувчилари  
учун намунавий йиллик  
ИШ РЕЖАСИ**

Т/р	Иш турлари	Ўқув йили давомидаги соатлар ҳажми	Изоҳ
<b>I. Ўқув ишлари — 1080 соат*</b>			
1.	Назарий, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари ҳамда ўқув, ишлаб чиқариш ва диплом олди (педагогик)** амалиётларини ўтказиш.	800 соат***	Ўқув режасига биноан 1 академик соатга 1 соат юклама ёзилади.
2.	Фанлар бўйича консултациялар ўтиш.	40 соат	Ўқув режасида белгиланган юкламанинг 5% ҳажмида.
3.	Курс ишларига раҳбарлик қилиш, маслаҳат ва тақриз бериш ҳамда ҳимоясини ташкил этиш. Якуний давлат аттестация комиссияси ишида иштирок этиш. Ўқувчиларнинг рейтинг назорати ишларини текшириш. Битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш, маслаҳат бериш. Битирув малакавий ишларига тақриз бериш.	240 соат	
<b>II. Ўқув-методик, илмий ва илмий-методик ишлар — 300 соат*</b>			
4.	Назарий, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари ҳамда ўқув амалиётларини ўтказишга тайёрла-ниш.	100 соат	Илгаридан мавжуд фанлар юкламасининг 30% ёки янги юклатилган фанлар юкламасининг 50% миқдорда.
5.	Очиқ ўқув машғулотларини ташкил этиш. Мавжуд жиҳозлар асосида ўқув дастурида белгиланган янги амалий машғулотлар ёки лаборатория ишларига услубий ишланмалар тайёрлаш. Ўқувчиларни фан олимпиадаси, касбий кўрик танловга тайёрлаш. Ўқувчиларни илмий конференцияларга тайёрлаш. Замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини таълим жараёнида қўллаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Дарслик ёзиш. Электрон дарсликлар тайёрлаш. Мультимедиа ишланмаларини тайёрлаш. Ўқув қўлланмалар тайёрлаш. Услубий қўлланмалар тайёрлаш. Маъруза матнлари тўпламини ишлаб чиқиш. Фан бўйича ўқув-услубий мажмуалар тайёрлаш. Фан, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётидан ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш. Рейтинг тизими учун янги назорат саволлари (амалий, тест, оғзаки, ёзма ва ҳоказо) ишлаб чиқиш. Фанга ажратилган мустақил ишни қабул қилиш. Интерактив дарслар учун услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш. Янги фан учун намунавий ўқув дастурини ишлаб чиқиш. Ўқув амалиёти учун янги инструкция-технологик харита тайёрлаш. Таълим муассасаси педагогик кенгаши қарорига биноан илмий тадқиқот, таж-	200 соат	

Т/р	Иш турлари	Ўқув йили давомидаги соатлар ҳажми	Изоҳ
	риба-синов ишларини олиб бориш. Илмий мақола, маъруза, ҳисоботлар ёзиш, маълумотлар тайёрлаш. Докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш. Ўқувчиларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш. Оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиш. Ташкилотларга бориб маърузалар ўқиш. Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқиш. Семинар, тренинг ва конференциялар ўтказиш ва бошқалар****.		
<b>III. Ташкилий-методик ва ташкилий-педагогик ишлар — 100 соат*</b>			
6.	9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитиш учун тўлиқ қамраб олиш, касбга йўналтиришда тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш. Ўзаро дарслар таҳлилин олиб бориш, ёзма расмийлаштириш ва кафедра ҳамда педагогик кенгашларда муҳокама қилиш. Таълим муассасасининг маслаҳат марказлари ишида иштирок этиш. Олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ишларида иштирок этиш. Таълим муассасасида жамоатчилик асосида юклатилган вазифаларни бажариш. Ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам бериш. Таълим муассасаси битирувчилари бандлигини таъминлашга қўмаклашиш. Касб-ҳунар коллежи битирувчилари, таълим муассасаси ва иш берувчилар ўртасида уч томонлама шартномаларни тузишга қўмаклашиш. Таълим муассасасининг ободонлаштириш ишларида иштирок этиш. Таълим муассасасининг педагогик кенгаш ва бошқа йигилишларида иштирок этиш. Таълим муассасасининг педагогик кенгаши муҳокамасига қўйиш учун масала ва материаллар тайёрлаш. Таълим муассасасида навбатчилик қилиш. Таълим муассасаси педагогик кенгаши котиби ишнни олиб бориш, турли комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳларда иштирок этиш. Таълим муассасасида ташкил этилган фан, спорт ва касб тўғрақларини олиб бориш ва бошқалар****.	100 соат	
<b>IV. Маънавий-маърифий ишлар — 60 соат*</b>			
7.	Давомати ва ўзлаштириши паст ўқувчилар билан ишлаш. Спорт, маданий-маърифий тадбирлар, кўрик танловлар ўтказиш. «Баркамол авлод» спорт ўйинларига тайёргарлик кўриш. Дарсдан ташқари вақтда ўқувчилар билан маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш (гуруҳ раҳбарлигидан ташқари). Жамоатчилик асосида ташкил этиладиган барча маънавий-маърифий соҳадаги ишларга қўмаклашиш ва бошқалар****.	60 соат	

Изоҳ: \* Шахсий йиллик иш режаларини ишлаб чиқишда ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси раҳбарияти йиллик иш режасидаги умумий соатлардан чиқмаган ҳолда, бўлимлар учун ажратилган соатлар ҳажмини мазкур нормативларга нисбатан 30 фоизгача камайтириши ёки кўпайтириши мумкин.

\*\* Ўқув, ишлаб чиқариш ва диплом олди (педагогик) амалиётларини ўтказиш ишлаб чиқариш таълими устаси лавозими мавжуд бўлмаганда назарда тутилади.

\*\*\* Бир ставка дарс соати ҳажми 800 академик соат ҳисобланади.

\*\*\*\* Кўзда тутилмаган бошқа ишлар қўшимча асосланган ҳолда иш режасига киритилади.

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг  
Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази,  
Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза  
қилиш вазирлигининг 2015 йил 2 сентябрда-  
ги 38/ҚҚ, 35-Қ/Қ-сон қарорига  
3-ИЛОВА

**Ўрта махсус, касб-хунар таълими ўқитувчиларининг  
асосий фаолият турларига сарфланадиган вақт  
МЕЪЁРЛАРИ\***

Т/р	Иш турлари	Вақт меъёри, соат	Изоҳ
<b>I. Ўқув ишлари**</b>			
1.	Назарий, амалий, лаборатория ва семинар машгулотлари ҳамда ўқув, ишлаб чиқариш ва диплом олди (педагогик)*** амалиётларини ўтказиш.	Ўқув режасига биноан 1 академик соатга 1 соат юклама ёзилади.	
2.	Фанлар бўйича консултациялар ўтиш.	Ўқув режасида белгиланган юкламанинг 5% ҳажмида.	
3.	Курс ишларига раҳбарлик қилиш, маслаҳат ва тақриз бериш ҳамда ҳимоясини ташкил этиш.	Битта курс иши раҳбарлигига — 1,2 соат, тақриз беришга — 0,5 соат.	
4.	Яқуний давлат аттестация комиссияси ишида иштирок этиш.	Ҳар бир аъзога битта битирувчи учун: ёзма ва амалий ишга 0,2 соат, оғзаки савол-жавоб ва битирув малакавий иши ҳимоясига 0,3 соат ва тест синовига 0,1 соат ажратилади.	Яқуний давлат аттестация комиссияси аъзосининг бир кунлик юкламаси 6 соатдан ошмаслиги лозим.
5.	Ўқувчиларнинг рейтинг назорати ишларини текшириш.	Ҳар бир ўқувчи учун оралиқ назоратга 0,2 соат, яқуний назоратга 0,1 соат ажратилади.	Оралиқ назорат бир фандан бир ўқув йилида бир ўқувчига нисбатан ўқув юкламаси 80 соат бўлса 1 соат, 160 соат бўлса 2 соат, 240 соат бўлса 3 соат, 320 соат бўлса 4 соатдан ошмаслиги керак.
6.	Битирув малакавий ишларига раҳбарлик қилиш, маслаҳат бериш.	Ҳар бир битирувчига 16 соат, жами 128 соатгача ажратилади.	Зарур ҳолларда битирув малакавий ишига раҳбарлик қилиш учун ажратилган 16 соат юкламанинг бир қисми (битирув малакавий ишининг конструктив, иқтисод, меҳнат, табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа бўлимларидан) бошқа маслаҳат берувчиларга ажратилиши мумкин.
7.	Битирув малакавий ишларига тақриз бериш.	Ҳар бир битирувчининг битирув малакавий ишига 4 соат ажратилади.	Бир тақризчига 8 тагача битирув малакавий ишлари берилиши мумкин.

Т/р	Иш турлари	Вақт меъёри, соат	Изоҳ
<b>II. Ўқув-методик, илмий ва илмий-методик ишлар**</b>			
8.	Очиқ ўқув машғулотларини ташкил этиш.	Бир академик соат очиқ ўқув машғулот учун 5 соат ажратилади.	
9.	Назарий, амалий, лаборатория ва семинар машғулотлари ҳамда ўқув амалиётларини ўтказишга тайёрлаш.	Олдиндан мавжуд фанлар юкламасининг 30%, янги юклатилган фан юкламасининг 50% миқдорда.	
10.	Мавжуд жиҳозлар асосида ўқув дастурида белгиланган янги амалий машғулотлар ёки лаборатория ишларига услубий ишланмалар тайёрлаш.	Битта услубий ишланма учун 25 соат вақт ажратилади.	Услубий ишланма таълим муассасасининг педагогик кенгашида тасдиқланган бўлиши лозим.
11.	Ўқувчиларни фан олимпиадаси, касбий кўрик танловга тайёрлаш.	20 соат.	Таълим муассасасининг педагогик кенгаши қарорига биноан.
12.	Ўқувчиларни илмий конференцияларга тайёрлаш.	20 соат.	Таълим муассасасининг педагогик кенгаши қарорига биноан.
13.	Замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларини таълим жараёнида қўллаш бўйича услубий қўлланма ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	30 соат.	Таълим муассасасининг педагогик кенгаши қарорига биноан.
14.	Дарслик ёзиш.	Дарсликнинг бир босма табоги (16 бет) учун 50 соат.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, вазирлик ва идоралар томонидан берилган режалар, топшириқлар ёки улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ.
15.	Электрон дарсликлар тайёрлаш.	Электрон дарсликнинг бир босма табоги (16 бет) учун 50 соат.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, вазирлик ва идоралар томонидан берилган режалар, топшириқлар ёки улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ.
16.	Мультимедиа ишланмаларини тайёрлаш.	20 соат.	Таълим муассасасининг педагогик кенгаши қарорига биноан.
17.	Ўқув қўлланмалар тайёрлаш.	Ўқув қўлланмасининг бир босма табоги (16 бет) учун 30 соат.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, вазирлик ва идоралар томонидан берилган режалар, топшириқлар ёки улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ.
18.	Услубий қўлланмалар тайёрлаш.	Битирув иши бўйича 30 соат, амалиётлар бўйича 25 соат, курс иши ёки лойиҳаси бўйича 20 соат, мустақил иш бўйича 15 соат, фан бўйича 20 соат, битта лаборатория иши бўйича 5 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
19.	Маъруза матнлари тўпламини ишлаб чиқиш.	Умумтаълим фанларига 10 соат, махсус фанларга 20 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
20.	Фан бўйича ўқув-услубий мажмуалар тайёрлаш.	20 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
21.	Фан, ўқув ва ишлаб чиқариш амалиётидан ишчи ўқув дастурини ишлаб чиқиш.	20 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
22.	Ўқув дастурлари асосида жиҳоз ва ускуналардан фойдаланган ҳолда янги амалий ёки лаборатория ишларини йўлга қўйиш.	Битта иш учун 50 соат; мавжуд ишни такомиллаштиришга 20 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.

Т/р	Иш турлари	Вақт меъёри, соат	Изоҳ
23.	Рейтинг тизими учун янги назорат саволлари (амалий, тест, оғзаки, ёзма ва ҳоказо) ишлаб чиқиш.	Ҳар бир вариант учун 1 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
24.	Фанга ажратилган мустақил ишни қабул қилиш.	20 соат.	Бир ставка (800 соат)дан келиб чиққан ҳолда.
25.	Интерактив дарслар учун услубий қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Битта услубий қўлланма учун 30 соат.	Таълим муассасаси илмий педагогик кенгаши қарорига биноан.
26.	Янги фан учун намунавий ўқув дастурини ишлаб чиқиш.	Битта фан учун 30 соат	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан берилган режалар ёки топшириқларга мувофиқ.
27.	Ўқув амалиёти учун янги инструкция-технологик харита тайёрлаш.	Битта мавзу учун 3 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
28.	Таълим муассасаси педагогик кенгаши қарорига биноан илмий тадқиқот, тажриба-синов ишларини олиб бориш.	Экспериментатор ўқитувчига 50 соат, назоратчи ўқитувчига 25 соат.	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази томонидан берилган режалар ёки топшириқларга мувофиқ.
29.	Илмий мақола, маъруза, ҳисоботлар ёзиш, маълумотлар тайёрлаш.	Битта мақола учун: халқаро миқёсда 70 соат, республика миқёсда 40 соат, вилоят (шаҳар), туман (шаҳар) миқёсда 20 соат, таълим муассасаси миқёсда 10 соат.	
30.	Докторлик диссертациясини тайёрлаш ва ҳимоя қилиш.	Докторлик диссертацияга 50 соат.	Тегишли илмий кенгашининг қарори мавжуд ҳолларда, ҳар бир ўқув йилига (3 йилдан ошмаган ҳолда).
31.	Ўқувчиларнинг илмий тадқиқот ишларига раҳбарлик қилиш.	Ҳар бир ўқувчи учун 20 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
32.	Оммавий ахборот воситаларида чиқиш қилиш.	Битта мақола ва намойиш учун: халқаро миқёсда 40 соат, республика миқёсда 20 соат, вилоят (шаҳар) миқёсда 10 соат, туман (шаҳар) миқёсда 5 соат.	Газета ва журналларда нашр этилган ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида намойиш этилган бўлиши керак.
33.	Ташкилотларга бориб маърузалар ўқиш.	Ҳар бир маъруза учун 5 соат (ўқув йили учун 20 соатгача).	Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази, вазирлик ва идоралар томонидан берилган режалар, топшириқлар ёки улар билан тузилган шартномаларга мувофиқ.
34.	Малака ошириш ва қайта тайёрлаш курсларида ўқиш.	Малака ошириш учун 144 соат, қайта тайёрлаш учун 576 соат.	Тасдиқланган режа бўйича.
35.	Семинар, тренинг ва конференциялар ўтказиш.	Уларнинг мавзуси давомийлигига қараб ташкилий ишлар учун: Республика миқёсда 40 соат, вилоят (шаҳар) миқёсда 20 соат, таълим муассасасида 10 соат.	Тасдиқланган режа бўйича.
<b>III. Ташкилий-методик ва ташкилий-педагогик ишлар**</b>			
36.	9-синф битирувчиларини академик лицей ва касб-хунар коллежларида ўқитиш учун тўлиқ қамраб олиш, касбга йўналтиришда тарғибот ташвиқот ишларини олиб бориш.	40 соат.	Ҳисоботлар, ўтказилган тадбир ҳақидаги маълумотлар ва баённомалар келтирилади.
37.	Ўзаро дарслар таҳлилинини олиб бориш, ёзма расмийлаштириш ва кафедра ҳамда педагогик кенгашларда муҳокама қилиш.	Битта дарс учун 2 соат, семестр давомида 20 соатгача.	Ўзаро дарсларга кириш жадвали ва тегишли расмийлаштирилган маълумотлар асосида.

Т/р	Иш турлари	Вақт меъёри, соат	Изоҳ
38.	Таълим муассасасининг маслаҳат марказлари ишида иштирок этиш.	20 соат.	
39.	Олий таълим муассасалари билан ҳамкорлик ишларида иштирок этиш.	40 соат.	Олий таълим муассасалари билан тузилган шартнома асосида.
40.	Таълим муассасасида жамоатчилик асосида юклатилган вазифаларни бажариш.	60 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
41.	Ёш ўқитувчиларга услубий ёрдам бериш.	20 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
42.	Таълим муассасаси битирувчилари бандлигини таъминлашга кўмаклашиш.	20 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
43.	Касб-хунар коллежи битирувчилари, таълим муассасаси ва иш берувчилар ўртасида уч томонлама шартномаларни тузишга кўмаклашиш.	20 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
44.	Таълим муассасасининг ободонлаштириш ишларида иштирок этиш.	10 соат.	
45.	Таълим муассасасининг педагогик кенгаш ва бошқа йиғилишларида иштирок этиш.	20 соат.	
46.	Таълим муассасасининг педагогик кенгаши муҳокамасига қўйиш учун масала ва материаллар тайёрлаш.	10 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
47.	Таълим муассасасида навбатчилик қилиш.	20 соат.	Навбатчилик жадвали асосида.
48.	Таълим муассасаси педагогик кенгаши котиби ишини олиб бориш, турли комиссиялар, кенгашлар, ишчи гуруҳларда иштирок этиш.	40 соат.	
49.	Таълим муассасасида ташкил этилган фан, спорт ва касб тўғрақларини олиб бориш.	40 соат.	Таълим муассасаси педагогик кенгашининг қарорига биноан.
<b>IV. Маънавий-маърифий ва тарбиявий ишлар**</b>			
50.	Давомати ва ўзлаштириши паст ўқувчилар билан ишлаш.	40 соат.	
51.	Спорт, маданий-маърифий тadbирлар, кўрик танловлар ўтказиш.	Республика миқёсида 40 соат, вилоят (шаҳар) миқёсида 20 соат, таълим муассасасида 10 соат.	Tadbир ишланмаси ва баённомалари асосида.
52.	«Баркамол авлод» спорт ўйинларига тайёргарлик кўриш.	20 соат	
53.	Дардан ташқари вақтда ўқувчилар билан маънавий-маърифий ва тарбиявий ишларни олиб бориш (гуруҳ раҳбарлигидан ташқари).	40 соат.	Таълим муассасаси иш режасига кўра.
54.	Жамоатчилик асосида ташкил этиладиган барча маънавий-маърифий соҳадаги ишларга кўмаклашиш.	40 соат.	

Изоҳ: \* Мазкур вақт меъёрлари педагог ходимлар фаолияти ҳажмини аниқлаш учун асос ҳисобланади. Мазкур вақт меъёрларига кўра ҳисоблаб чиқилган юклама таълим муассасасининг штатлар бирлигини аниқлаш учун асос бўлмайди.

\*\* Шахсий йиллик иш режаларини ишлаб чиқишда ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси раҳбарияти таълим муассасасининг йўналишини

инобатга олган ҳолда муайян иш тури учун иш вақти меъёрларини ушбу йўналишдаги бошқа ишлар учун белгиланган соатлар ҳисобига 20 фоизгача кўпайтириши мумкин.

\*\*\* Ўқув, ишлаб чиқариш ва диплом олди (педагогик) амалиётларини ўтказиш таълим муассасасида ишлаб чиқариш таълими устаси лавозими мавжуд бўлмаганда назарда тутилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2015 йил 2 сентябрдаги 38/ҚҚ, 35-Қ/Қ-сон қарорига 4-ИЛОВА

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
(таълим муассасасининг тўлиқ номи)

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

«КЕЛИШИЛДИ»

Директор \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

ЎИБДЎ \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
(кафедра номи)  
\_\_\_\_\_  
(ўқитувчининг лавозими, Ф.И.О.)

НИНГ

### ШАХСИЙ ЙИЛЛИК ИШ РЕЖАСИ

Шахсий йиллик иш режа кафедранинг 20\_\_ йил «\_\_» августдаги \_\_\_\_\_-сонли мажлисида кўриб чиқилиб, Педагогик кенгаш муҳокамасига тавсия этилди.

Шахсий йиллик иш режа Педагогик кенгашнинг 20\_\_ йил «\_\_» августдаги \_\_\_\_\_-сонли мажлисида муҳокама қилинди ва маъқулланди.

Йиғилиш  
котибининг имзоси \_\_\_\_\_

Педагогик кенгаш  
котибининг имзоси \_\_\_\_\_

Кафедра мудири \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

Тасдиқланган шахсий йиллик иш режани қабул қилдим ва белгиланган иш турлари билан танишдим, уларнинг бажарилишини кафолатлайман.

Фан ўқитувчиси \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

1-шакл

**I<sup>a</sup>. Ўқув ишлари (аудитория юкламаси)**

*-ярим йиллик бўйича*

Т/р	Касб номи	Фан номи	Ишчи ўқув режасидаги битта гуруҳга белгиланган соатлар ҳажми	Гуруҳлар сони	Гуруҳларнинг рақами	Аудиториядаги ўқув соатлари																	
						шундан																	
						жами		назарий машғулот		амалий машғулот		лаборатория ишлари		семинарлар		курс иши							
						режада	амалда	режада	амалда	режада	амалда	режада	амалда	режада	амалда	режада	амалда						
1.																							
2.																							
3.																							
4.																							
5.																							
6.																							
7.																							
8.																							
		<b>Жами:</b>																					
		<b>Режадан ташқари бажарилган ишлар (ҳақ тўланмайди)</b>																					
1.																							
2.																							
		<b>Жами:</b>																					
		<b>Ҳаммаси:</b>																					

Ўқитувчи \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

ЎИБДЎ \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

Кафедра мудири \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Изоҳ:** аудитория юкламасининг бажарилганлиги ярим йиллик охирида тегишли ўқитувчи, кафедра мудири ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан ўқув машғулотлари журнали билан солиштириб текширилади. Кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан кейин ушбу шакл улар томонидан имзоланади.

2-шакл

**Г<sup>6</sup>. Ўқув ишлари (аудитория юкласидан ташқари)**

*-ярим йиллик бўйича*

Т/р	Бажариладиган иш турлари	Муддати		Ажратилган соатлар ҳажми (вақт меъёрлари бўйича)		Изоҳ
		режа	амалда	режа	амалда	
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						
6.						
7.						
8.						
9.						
10.						
	<b>Жами:</b>					
	<b>Режадан ташқари бажарилган ишлар (ҳақ тўланмайди)</b>					
1.						
2.						
	<b>Жами:</b>					
	<b>Ҳаммаси:</b>					

Ўқитувчи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

ЎИБДЎ \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

Кафедра \_\_\_\_\_  
муdiri \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Изоҳ:** ўқитувчи иш турларининг бажарилгани бўйича асословчи ҳужжатлар ва ҳисоботларни жамлаб боради. Иш турларининг бажарилганлиги тегишли ўқитувчи, кафедра муdiri ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан тегишли ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан солиштирилиб, кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан кейин ушбу шакл улар томонидан имзоланади.

3-шакл

**II. Ўқув-методик, илмий ва илмий-методик ишлар**

*-ярим йиллик бўйича*

Т/р	Бажариладиган иш турлари	Муддати		Ажратилган соатлар ҳажми (вақт меъёрлари бўйича)		Изоҳ
		режа	амалда	режа	амалда	
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						
6.						
7.						
8.						
9.						
10.						
	<b>Жами:</b>					
	<b>Режадан ташқари бажарилган ишлар (ҳақ тўланмайди)</b>					
1.						
2.						
	<b>Жами:</b>					
	<b>Ҳаммаси:</b>					

Ўқитувчи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

ЎИБДЎ \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

Кафедра \_\_\_\_\_  
мудири \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Изоҳ:** ўқитувчи иш турларининг бажарилгани бўйича асословчи ҳужжатлар ва ҳисоботларни жамлаб боради. Иш турларининг бажарилганлиги тегишли ўқитувчи, кафедра мудири ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан тегишли ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан солиштирилиб, кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан кейин ушбу шакл улар томонидан имзоланади.

**III. Ташкилий-методик ва ташкилий-педагогик ишлар**

*-ярим йиллик бўйича*

Т/р	Бажариладиган иш турлари	Муддати		Ажратилган соатлар ҳажми (вақт меъёрлари бўйича)		Изоҳ
		режа	амалда	режа	амалда	
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						
6.						
7.						
8.						
9.						
10.						
	<b>Жами:</b>					
	<b>Режадан ташқари бажарилган ишлар (ҳақ тўланмайди)</b>					
1.						
2.						
	<b>Жами:</b>					
	<b>Ҳаммаси:</b>					

Ўқитувчи \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

ЎИБДЎ \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

Кафедра \_\_\_\_\_  
мудир \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Изоҳ:** ўқитувчи иш турларининг бажарилгани бўйича асословчи ҳужжатлар ва ҳисоботларни жамлаб боради. Иш турларининг бажарилганлиги тегишли ўқитувчи, кафедра мудир ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан тегишли ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан солиштирилиб, кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан кейин ушбу шакл улар томонидан имзоланади.

5-шакл

## IV. Маънавий-маърифий ишлар

*-ярим йиллик бўйича*

Т/р	Бажариладиган иш турлари	Муддати		Ажратилган соатлар ҳажми (вақт меъёрлари бўйича)		Изоҳ
		режа	амалда	режа	амалда	
1.						
2.						
3.						
4.						
5.						
6.						
7.						
8.						
9.						
10.						
	<b>Жами:</b>					
	<b>Режадан ташқари бажарилган ишлар (ҳақ тўланмайди)</b>					
1.						
2.						
	<b>Жами:</b>					
	<b>Ҳаммаси:</b>					

Ўқитувчи \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)ЎИБДЎ \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)Кафедра \_\_\_\_\_  
мудири \_\_\_\_\_  
(имзо) (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Изоҳ:** ўқитувчи иш турларининг бажарилгани бўйича асословчи ҳужжатлар ва ҳисоботларни жамлаб боради. Иш турларининг бажарилганлиги тегишли ўқитувчи, кафедра мудири ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан тегишли ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан солиштирилиб, кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан кейин ушбу шакл улар томонидан имзоланади.

6-шакл

**Шахсий йиллик иш режасининг бажарилишини қайд этиш  
ЖАДВАЛИ**

Вақти	Бажарилиши	Жами (аудитория ва педагогик юклама, соат)	Жами аудитория юкламаси, соат	Педагогик юклама, соат				
				жами педагогик юклама	шу жумладан:			
					ўқув ишлари бўйича (аудитория юкламасидан ташқари)	ўқув-методик, илмий ва илмий-методик ишлар бўйича	ташкилий-методик ва ташкилий-педагогик ишлар бўйича	маънавий-маърифий ишлар бўйича
1-йрим йиллик	режа							
	амалда							
2-йрим йиллик	режа							
	амалда							
Йиллик жами:	режа							
	амалда							
Фарқи (-;+)								
Фарқи (%)								

Ўқитувчи \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

ЎИБДЎ \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

Кафедра мудири \_\_\_\_\_ (имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Изоҳ:** ўқитувчи иш турларининг бажарилгани бўйича асословчи ҳужжатлар ва ҳисоботларни жамлаб боради. Иш турларининг бажарилганлиги тегишли ўқитувчи, кафедра мудири ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан ўқув машгулотлари журнали, бошқа тегишли ҳужжатлар ва ҳисоботлар билан солиштирилиб, кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилингандан кейин ушбу шакл улар томонидан тўлдирилади ва имзоланади.

7-шакл

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

\_\_\_\_\_ директори  
(таълим муассасасининг номи)  
\_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасаси ўқитувчиларининг шахсий йиллик иш режалари бажарилишини қайд этиш ЖАДВАЛИ**

Т/р	Ўқитувчиларнинг Ф.И.О.	Жами юклама, соат		Жами аудитория юкламаси, соат		Педагогик юклама, соат									
						жами педагогик юклама		шундан:							
								ўқув ишлари бўйича (аудитория юкламасидан ташқари)		ўқув-методик, илмий ва илмий-методик ишлар бўйича		ташкилий-методик ва ташкилий-педагогик ишлар бўйича		маънавий-маърифий ишлар бўйича	
режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда	режа	амалда		
1.															
2.															
3.															
<b>Жами:</b>															

**Кафедра мудирлари** \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)  
\_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)  
\_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)  
\_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

**ЎИБДЎ** \_\_\_\_\_  
(имзо) \_\_\_\_\_ (Ф.И.О.)

20\_\_ йил «\_\_» \_\_\_\_\_

**Изоҳ:** кафедра мудирлари ва ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари томонидан шахсий йиллик иш режаларининг бажарилганлиги ярим йиллик охирида текширилгандан кейин, ушбу шакл улар томонидан тўлдирилади ва имзоланади.